

✓ Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқаришда **бино** ва **иншоотлар** бўйича **солиқ базаси** (линияли объектлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари бундан мустасно) бу объектларга **1 кв. метр** учун мутлақ миқдорда белгиланган **минимал қийматдан паст** бўлиши **мумкин эмаслиги** бўйича қуйидаги миқдордаги **тартиб киритилмоқда**:

- Тошкент шаҳрида – **уч миллион уч юз минг сўм**;
- Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида – **икки миллион икки юз минг сўм**;
- бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда – **бир миллион уч юз сўм**;

✓ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва **халқ депутатлари** вилоятлар Кенгашлари белгиланган **минимал қийматга**, туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб **0,5** гача бўлган **камайтирувчи коэффициент киритиши мумкин**.



✓ Агар **объектнинг 1 кв. метри** қиймати белгиланган **минимал қийматдан паст бўлса**, солиқ тўловчи кўчмас мулк объектлари қийматини **мустақил баҳолашни** амалга ошириш учун **баҳоловчиларни** жалб этишга **ҳақли**. Бунда мустақил **баҳолаш натижалари солиқ базаси** сифатида **эътироф этилади**.

✓ Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган **солиқ ставкаси 1,5 фоиз** миқдорида **сақланиб қолинди**.

✓ Солиқ кодексининг **421-моддаси биринчи қисмининг 4-банди** чиқариб ташланмоқда ҳамда қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилмоқда.

✓ Уй-жой фондидаги кўчмас мулкда умумий қуввати **100 кВт**гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний шахсларга солиқ имтиёзи тақдим этилади.



• Қайта тикланувчи энергия қурилмалари ўрнатилган ойдан бошлаб **3 йил** давомида

• Агар қуёш панеллари электр энергиясини тўплаш тизимига (**25% қувватдан кам бўлмаган**) эга бўлса, имтиёз фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб **10 йил** давомида амал қилади.

✓ Солиқ **имтиёзи** қуйидаги тартибда қўлланилади.

• **Имтиёзнинг** ҳажми базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 бараваридан** ошмаган миқдоргача камайтирилади **Имтиёз** ҳар бир жисмоний шахсга **бир мартаба** ва фақат **битта мулкка** нисбатан берилади.

• Қурилмалар умумий қуввати **1 кВт**дан ортиқ бўлиши талаб этилади.

✓ Имтиёзлардан фойдаланиш учун қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича **маълумотнома** тақдим этилиши шарт.



✓ **Янги қурилган** ко'п қаватли ишлаб чиқариш бинолари бўйича солиқ то'ловчилар ҳисобланган солиқ суммасини белгиланган **пасайтирувчи** коэффитсиентлар билан тўлайдилар:

- **уч қаватли бинога нисбатан: 0,9**
- **тўрт қаватли бинога нисбатан: 0,8**
- **беш қаватли бинога нисбатан: 0,7**
- **олти қаватли бинога нисбатан: 0,6**

Ушбу бинолар учун фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан **3 йилдан кўп бўлмаган** муддатда тўлайди.

✓ Пасайтирувчи коэффитсиент куйидаги ҳолларда қўлланилади:

▪ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи хоналарни, хусусан, офис учун ва о'зи ишлаб чиқарган маҳсулотларни реализатсия қилиш учун хоналарни, тегишли касбни эгаллаш учун ташкил этилган о'қув-ишлаб чиқариш хоналарини, агар уларнинг майдони янги қурилган ко'п қаватли ишлаб чиқариш биноси умумий майдонининг **20 фоиздан** ошмаса;

▪ агар бинодан бир нечта хо'жалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш мақсадларида биргаликда фойдаланаётган бўлса, бинонинг ҳар бир мулкдори томонидан қўлланилади.

✓ Бундан республика шаҳарларида, шунингдек Тошкент вилоятининг **Зангиота, Қибрай** ва **Тошкент туман**ларида жойлашган **бинолар** мустасно.

Солиқ хизмати - инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори

100011, Тошкент шаҳри,
Абдулла Қодирий кўч, 13а-уй

тел: 71-244-98-69

www.soliq.uz



Мол-мулк СОЛИҒИ 2025

Солиқ солишдаги
асосий ўзгаришлар

www.soliq.uz